

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1082-ҳадис

1082 - وَعَنْهُ قَالَ: أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ أَعْمَى فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ لَيْسَ لِي قَائِدٌ يَتَّبِعُنِي إِلَى الْمَسْجِدِ، فَسَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُرَخِّصَ لَهُ فَيُصَلِّيَ فِي بَيْتِهِ، فَرَخَّصَ لَهُ، فَلَمَّا وَلَّى دَعَاهُ فَقَالَ لَهُ: «هَلْ تَسْمَعُ النَّدَاءَ بِالصَّلَاةِ؟» قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: «فَأَجِبْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [653].

1082. Яна у кишидан ривоят қилинади:

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кўзи ожиз киши келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, мени масжидга етаклаб борадиган одамим йўқ» деб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан уйида намоз ўқишга рухсат сўради. У зот унга рухсат бердилар. У орқага ўгирилган ҳам эдики, уни чақирдилар ва: «Намознинг азонини эшитасанми?» дедилар. «Ҳа», деди. «Унда жавоб қил (яъни намозга чиқ)», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдаги зикри келган кўзи ожиз одам Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анҳу бўлганлар. У кишининг уйлари масжиддан узоқ ва уни етаклаб келадиган одами йўқ эди. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан жамоатга келмай, уйида намоз ўқишга рухсат сўраганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига аввал изн бериб, кейин азонни эшитасанми, деб сўраганлар. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум ҳа, деб жавоб қилганларида ундок бўлса жамоатга кел, деб рухсатни бекор қилганлар.

Уйи узоқ, кўзи ожиз, етакловчиси йўқ одамга жамоат намозидан қолишга изн бўлмаганидан кейин, бошқалар ўзлари билиб олаверсалар бўлади.

Қадимги мусулмонлар бу масалада жуда ҳам ҳушёр турганлар, жамоат

намозидан ҳеч қолмасликка ҳаракат қилганлар.

Имом Муслим келтирган ривоятда машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Ким эртага Аллоҳ таолога мусулмон ҳолида рўбару қилинишидан хурсанд бўлмоқни истаса, ана ўша намозларини азони айтилган жойда адо этсин. Аллоҳ Пайғамбарингиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳидоят суннатларини шариатга киритгандир. Албатта, жамоат намози ҳидоят суннатларидандир. Агар сиз манави кейин қолганга ўхшаб уйингизда намоз ўқисангиз, Пайғамбарингизнинг суннатини тарк қилган бўласиз. Агар Пайғамбарингизнинг суннатини тарк қилсангиз, залолатга кетган бўласиз. Бизнинг ичимизда фақат нифоқи очиқ-ойдин бўлган мунофиқгина жамоат намозидан қолишини кўрганман. Баъзи кишиларни икки киши кўтариб келиб сафга турғазиб қўяр эдилар».

Имом Бухорий келтирган ривоятда Имом ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу:

«Кимни ота-онасидан бири унга шафқат этиб, жамоатдан ман қилса, гапига кирмасин», деб ҳисоблайдилар.

Ушбу далиллардан келиб чиқиб, ҳанбалий мазҳабида, жамоат намози фарзи айн, деганлар.

Моликий, ҳанафий ва Шофеъий мазҳаблари жамоат намозлари суннати муаккада, деганлар. Улар жамоат афзаллиги ҳақидаги ҳадисларни далил қиладилар ва ушбу шиддатли ҳадисларни тарғиб учун айтилган, дейдилар.

Манба: hadis.islom.uz

